# СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Александра Павловна номзоди комиссиялар ва комитетларда кўриб чиқилаётганида кўпгина депутатлар социал ривожланиш бюроси ихтиёридаги тармоқлар жуда кўп эмасмикан, деган масалани ўртага қўйдилар, деди нотиқ. Чамаси, бу фикрга қўшилиш керак, деб хулоса чиқарди депутат. У ана шу бюро составида инсон турмуши ва меҳнатига доир маънавий, гуманитар соҳа билан шуғулланадиган мустақил бўлинма тузиш лозимлиги ҳақида ўз мулоҳазаларини айтди.

Депутат **В. И. Семуха** юксак давлат лавозимига даъвогарнинг вазифасига кирадиган аҳоли сиҳат-саломатлигини сақлаш муаммолари тўғрисида сўзлади. Унинг фикрича, асосий масала, яъни мамлакатда одамларни қандай даволашаётгани эътибордан четда қоляпти. У соғлиқни сақлаш системасини барча зарур нарсалар билан таъминлаш хусусида батафсил гапирди. Миллатнинг соғлиғи учун, деди нотиқ, пулни аямаслик керак. Чунки фақат соғлом одамларгина меҳнат унумдорлигини оширишлари, ҳозир олдимизда турган иқтисодий муаммоларни муваффақиятли ҳал этишлари мумкин. Депутат, аввало, диагностика ускуналари етишмаётганлиги, дори-дармонлар ниҳоятда тақчиллиги билан боғлиқ бўлган медицина муассасалари ишидаги камчиликлар ҳақида сўзлади. Депутат чет элдан дарҳол дори-дармонлар сотиб олиш учун камида 500 миллион сўмлик чет эл валютаси ажратиш керак, деган таклифни айтди.

Депутат **А. Я. Неумивакин** ҳукумат структурасида социал масалалар билан шуғулланадиган орган бўлиши кўзда тутилганлигини мамнуният билан қайд этди. Социал ривожланиш бюросига ана шу муаммоларни ҳал этишда жон куйдираётган А. П. Бирюкова раҳбарлик қилаётгани жуда соз. Инвалидларнинг манфаатлари хусусий манфаат эмаслигини таъкидлаб, нотиқ ҳукумат шаънига бир қанча истакларни айтди. Жумладан, пенсиялар миқдорига эътиборни қаратди, болалигидан инвалид бўлиб қолган кишиларни унутмасликни илтимос қилди. Инвалидларни иш билан таъминлаш, улар учун корхоналар очиш муҳимдир.

Маслаҳат овози ҳуқуқидан фойдаланган халқ депутати **Р. Л. Тен** А. П. Бирюкова номзодини қўллаб-қувватлашни илтимос қилди. Нотиқ енгил саноат қишлоқ хўжалигидан кейин социал жиҳатдан сира ҳимоя қилинмаган тармоқдир, деб уқтирди. У ишлаб чиқаришни техникавий жиҳатдан қайта жиҳозлаш, хотин-қизларнинг меҳнат шароитини ўзгартириш зарурлигига эътиборни қаратди. У регионлардаги иқтисодий муносабатларни яхлит бўғинда кўриб чиқиш лозим, деб уқтирди.

А. П. Бирюкова тақдим этган мароқли, сафарбар этувчи иш программаси аёлларнинг меҳнати ва турмуши билан боғлиқ бўлган мураккаб масалаларни ҳал этишга ёрдам беради, деб умид қиламиз, деди депутат **З. П. Пухова.** Бу масалаларнинг энг муҳими шуки, аёллар тез орада тунги сменаларда ишламайдиган бўлиши керак. Нотиқ социалистик мамлакатлар фаолиятидан мисоллар келтириб, хотин-қизларга гўдакни боқиш учун уч йилга қадар отпуска бериш, пайсалга солмай ҳал этилиши лозим бўлган бошқа муаммолар ҳақида гапирди.

Депутат **Р. А. Убайдуллаева** А. П. Бирюковани СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари лавозимига тайинлашни маъқуллади. Аёлларнинг ҳозир ўткир бўлиб турган меҳнатини муҳофаза қилиш муаммоларига тўхталиб, нотиқ қуйидаги фактларни айтди: тўқимачилик саноатидаги меҳнатни муҳофаза этишнинг талаблари ва нормаларига мос бўлмаган иш ўринларида 4 миллион хотин-қиз ишламоқда. 400 минг хотин-қиз оғир жисмоний меҳнат билан банд. Кам малака талаб қиладиган ишларда 35 миллион хотин-қиз меҳнат қилмоқда. Депутатнинг фикрича, аёллар меҳнатини муҳофаза қилиш тўғрисида қонун қабул қилиш ҳақида ўйлаб кўрадиган вақт келди, енгил саноатга кўпроқ эркакларни жалб этиш, жуда бўлмаганда тунги сменаларда ишлашга жалб этиш тўғрисида ҳам ўйлаш керак,.

Депутат **В. Н. Степанов** соғлиқни сақлаш системасининг моддий таъминотига тааллуқли айрим конкрет масалаларга диққат-эътиборни қаратди. Унинг фикрича, бу тармоқда майда-чуйда ишлар бўлмаслиги керак. Нотиқ маош камлиги, тунги сменаларда ишлаш зарурлиги сабабли кичик медицина ходимлари етишмаётганлиги ҳақида сўзлади.

Музокара тўхтатилади.

Кўпчилик овоз билан депутатлар А. П. Бирюковани СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари этиб тайинлайдилар.

Шундан кейин мажлисда иш тартибига даҳлдор масалалар хусусида қизғин мунозара бўлди.

**М. С. Горбачев** мунозарага якун ясади.

У депутатларнинг номзодларга саволлар барвақт тайёрланади ва СССР Олий Совети палаталарининг раисларига берилади, шундан кейин эса ҳукумат аъзолигига номзодларга берилади, деб айтилган таклифни қўллаб-қувватлади. Номзодлар масалаларни саралаш, жавобни обдон ўйлаб бериш имкониятига эга бўладилар.

Иккинчидан: номзодлар комитетлар ва комиссияларда синчиклаб муҳокама қилиниб, шундан кейин Олий Совет кўриб чиқиши учун тақдим этилаётган экан, сессияда муҳокама қилинаётганида конкрет таклифлар ва мулоҳазаларга асосий эътибор бериш, мақтов нутқлардан воз кечиш мақсадга мувофиқдир.

В. К. Гусевни СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари, Министрлар Советининг химия-ўрмон комплекси бюроси раиси этиб тайинлаш тўғрисида таклиф киритилади.

Депутатларнинг саволларига жавоб бериш учун сўз **В. К. Гусевга** берилади. У мамлакатнинг химия-ўрмон комплекси олдида турган вазифаларнинг бажарилишини таъминлайдиган программанинг асосий йўналишларини қисқача баён этди. Мамлакат халқ хўжалигининг барча тармоқларидаги фан-техника тараққиётининг бундан буёнги равнақи, шунингдек ҳар бир кишининг дори-дармон, кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш, ялпи қирғин қуролидан муҳофаза этиш шу комплекс тараққиётига боғлиқдир, деб таъкидлади номзод.

Кейинги вақтда экология вазиятининг кескинлашиши билан боғлиқ бўлган фавқулодда мураккабликлар пайдо бўлди, деб таъкидлади у. Ишлаб чиқаришнинг ташқи муҳитга ва одамларга зарарли таъсирини бартараф этмасдан туриб, тармоқнинг истиқболи бўлмайди ва кундалик иш аслида рўёбга чиқмайди. Шунинг учун ҳам комплексдаги ҳар бир корхонани янги чиқиндисиз технологиялардан фойдаланиб тубдан реконструкция қилиш асосида экологик вазиятни анча яхшилаш программамиздаги долзарб йўналишдир. Бу ишларни 1990—1995 йилларда амалга ошириш мўлжалланмоқда. XIII беш йилликда капитал маблағларнинг 85 проценти реконструкцияга йўналтирилади, ҳозирги беш йилликда ушбу кўрсаткич 47 процентни ташкил этади.

Халқ хўжалигининг ва катта бозорнинг химия-ўрмон комплекси асосий маҳсулотларига эҳтиёжи қондирилиши керак. Келгуси беш йилликда химия толаси, бўёқлар, шина, мебель, дори-дармонлар, конструкция пластмасаслари, кўп миқдордаги нефть маҳсулотлари тақчиллигига барҳам беришни мўлжаллаб турибмиз. Бунга, аввало, янги технологик жараёнларни жорий этиш негизида эришилади.

Депутатларнинг нутқларида тилга олинган етилган муаммолар хусусида бир-икки оғиз гапирмоқчиман. Биз шу йилнинг учинчи кварталида кир ювиш воситалари муаммоси ҳал бўлади, деб мўлжалламоқдамиз, деди нотиқ, шундан кейин эса бундай вазиятнинг қайтарилишига йўл қўймаслик ниятидамиз. Ҳисоб-китобларимизга қараганда, бир марта қўлланиладиган шприцларга бўлган эҳтиёжни тўла қондириш учун икки йил зарур бўлади. Бу йил эса соғлиқни сақлаш муассасаларига камида 500 миллион дона ана шундай шприц етказиб берамиз.

Биз социал тараққиётга оид барча давлат программаларининг бажарилишига эришишимиз шарт, деб уқтирди номзод, аммо ёғоч-тахта тайёрловчилар яшаётган посёлкаларга алоҳида эътибор берилади, ҳозир бу посёлкалар ночор аҳволдадир.

В. К. Гусев энг муҳим халқ хўжалик комплекси муаммолари хусусида ўз позициясини баён этганидан кейин депутатларнинг саволларига жавоб қайтарди.

Мен уч йилдан буён СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари лавозимида ишламоқдаман, деди В. К. Гусев, у ана шу фаолият якунлари ҳақида гапириб, комплекс техникавий-иқтисодий планларни ва мамлакат халқ хўжалигини химиялаштириш программасини бажараётганлигини, меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари юқорилигини, кўпгина корхоналарни тубдан модернизациялаш бошланганлигини таъкидлади. Аммо, танг қоладиган ери шундаки, маҳсулотнинг кўпгина турлари ҳозир ҳам тақчил бўлиб турибди. Шунинг учун ҳам, деб уқтирди номзод, мен ўз ишимдан, химия-ўрмон комплексининг фаолияти натижаларидан қониқаётганим йўқ.

Нотиқ мамлакатнинг бир қанча саноат районларида экология вазиятини яхшилаш тадбирлари тўғрисида сўзлаб берди.

Номзод Ўрмон саноати министрлиги ва ўрмон давлат комитетини бирлаштириш мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги фикрни рад этди, у ўз мулоҳазасини асослаб қуйидагиларни айтди: ёғоч-тахта тайёрлашда 22 идора қатнашмоқда, текшириб, йўналтириб турадиган орган зарур, бу орган ўрмонларнинг ваҳшийларча кесиб юборилиши пайини қирқиши керак. «Жамиятнинг маънавий ризқ-рўзи» бўлган қоғоз ишлаб чиқаришни кескин кўпайтириш лозимлиги ҳақида гапириб, нотиқ вақтли матбуот ва китоб нашр этиш учун, мавжуд қувватларни реконструкция қилиш эвазига қоғоз ишлаб чиқаришни икки баравар кўпайтириш программасини баён этди.

В. К. Гусев Ўрмон саноати министрлиги системасидаги хўжасизлик фактлари хусусида кескин танқидга қўшилди, меҳнат дуруст ташкил этилмаганлиги, транспорт борасидаги муаммолар сабабли ана шундай хўжасизлик содир бўлди, деб изоҳ берди.

Раислик қилувчи **А. И. Лукьянов** муҳокамада иштирок этган комиссиялар аъзоларининг салкам ярми В. К. Гусев номзодини қўллаб-қувватлашганини маълум қилди. Комиссияларда фикр-мулоҳазалар бор. Буларни СССР Олий Советига маълум қилиб қўйиш зарур.

Ўз фамилиясини айтмаган депутат тақдим этилган номзод хусусида комиссияларда жиддий гаплар бўлганини айтди. У В. К. Гусев бошчилик қилаётган комплекс сўнгги вақтда мамлакат аҳолисини халқ истеъмоли товарлари билан таъминлаш юзасидан қониқарсиз ишлаётганлигини кўрсатиб ўтди. Атроф-муҳит ифлосланаётгани айниқса таҳликага солмоқда. Биз ушбу номзодни синчиклаб ўрганиб чиқдик, деб сўзини давом эттирди нотиқ, ўртоқ Гусев билимдон раҳбардир, у химия-ўрмон комплекси соҳасини яхши билади. Депутатнинг фикрича, тармоқда содир бўлган аҳвол учун шу комплекснинг аввалги раҳбарлари айбдордир. Нотиқ В. К. Гусев номзодини тасдиқлашни таклиф этди.

Депутат **В. С. Шевченко** даъвогарга мурожаат қилар экан, халқ депутатлари эндиликда у ёки бу тармоқнинг вакилларигина эмас, деб таъкидлади. Депутатлар — давлат арбобларидир ва улар мамлакатга товарлар кераклигини тушуниб туришибди. Ушбу комплексдаги корхоналарни ёпиш йўлидан бориб бўлмайди. Аммо одамларнинг сиҳат-саломатлиги ва ҳаёти билан ҳам ўйнашиб бўлмайди. Шу муносабат билан депутат В. К. Гусевга мурожаат қилиб, шижоатлироқ бўлинг, қўл остингиздаги ташкилотлар ишига талабчанликни оширинг, деб даъват этди. Украинадаги қайта ишловчи комплекслардан мисоллар келтириб, нотиқ қабул қилинган қарорлар тўла-тўкис бажарилмаётганлигини исботлаб берди.

Депутат **Ю. К. Шарипов** Бошқирдистондаги экология вазиятининг аҳволи ташвишга солаётганлигини айтди. Автоном республикадаги чоғроқ территорияларда химия саноатининг йирик корхоналари ғуж жойлашган. Аммо шунга қарамай, янгиларини қуришга мойиллик бор. Нотиқ йирик корхоналар қурилади-ю, аммо одамларнинг социал жиҳатдан таъминланишига дуруст эътибор берилмайди, деб мажлис аҳли эътиборини шу масалага қаратди. Табиий ресурслар тасарруф этилаверади, атроф муҳит ифлос қилинаверади, социал масалалар эса ҳал қилинмаяпти. Атроф муҳитни муҳофаза этиш тадбирлари ҳам бажарилмаяпти.

Депутат **В. Д. Юдин** В. К. Гусев номзоди учун овоз бера олмаслигини айтди, унинг фикрича, химия ва химия-ўрмон комплексининг раҳбари мураккаб муаммоларни ҳал этишга мўлжалланган аниқ-равшан ва амалий иш программасини тақдим этгани йўқ. Номзоднинг нутқида, депутатнинг фикрича, зиддиятлар бор. Бир жиҳатдан В. К. Гусев ўрмон кесишни камайтириш зарурлиги ҳақида гапирса, иккинчи жиҳатдан планларнинг бажарилишини яъни ўрмон кўпроқ кесилаётганини бюронинг ютуғи деб ҳисобламоқда. Нотиқ депутатлар диққат-эътиборини комплексга кирадиган кўпчилик министрликларнинг фаолиятига комиссиялар ва комитетларда ижобий баҳо берилмаганига қаратди.

Депутат **М. Г. Раҳимов** экология муаммолари ҳақида гапирар экан, мамлакатга химия керак, тармоқда корхоналар қуришни давом эттириш лозим, деб таъкидлади. Аммо айни вақтда шуни ҳисобга олиш керакки, мамлакатдаги барча регионларга экология жиҳатдан тоза корхоналаргина зарур. Социал-маданий-маиший шароитлар ҳақида ҳам кўпроқ ғамхўрлик қилиш керак.

Нотиқ В. К. Гусев номзодини маъқуллади.

Иқтисодийислоҳот масалалари комитетининг раиси бўлган депутат **В. М. Вологжин** шу комитет В. К. Гусев номзодини муҳокама қилишда қатнашганлигини айтди. Талабчанлик билан, принципиал гаплашиб олинди. Номзоднинг экология муаммоларни ҳал этишга қаратилган ишларини қўллаб-қувватлаш зарур, деб топилди.

Озарбайжон ССР химия комплексини ривожлантиришдаги қусурлар туфайли кўпгина муаммолар пайдо бўлган регионлардан биридир, деди депутат **А. Х. Везиров.** Нотиқ номзодни қувватлаб, айни вақтда унга, Олий Совет комитетлари ва комиссияларига мурожаат қилиб, химия комплексини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган инвестиция сиёсатида бир қанча масалалар ҳисобга олинишини илтимос қилди. У капитал маблағлар ва илмий куч-ғайратни, қувватларни тўла ўзлаштиришни таъминлашга йўналтириш зарурлигига эътиборни қаратди. Атроф муҳитга ва одамларнинг сиҳат-саломатлигига зарар қилмайдиган корхоналар қуриш керак, деган истак билдирилди.

Депутат **В. И. Огарок** даъвогар номзодини кўриб чиқаётганда унинг имкониятларини тўла ҳисобга олиш керак, деди.

Нотиқ Ўзбекистондаги химия-ўрмон комплексининг аҳволи ҳақида ўз мулоҳазаларини айтди. Чунончи, у республиканинг миллий даромаддаги ва ялпи ижтимоий маҳсулотдаги салмоғи 3 процентни ташкил этса шу тармоқ корхоналарнинг салмоғи 10—12 процентга етганлигини айтди. Бу экология вазиятига таъсир этмоқда, албатта.

**Н. И. Рижков** сўз олади. В. К. Гусев номзоди муҳокама қилинаётганда қизғин баҳслар бўлди, деди у. Шундай қилиб, мутахассис ва мамлакатимиздаги мураккаб комплекслардан бирининг раҳбари сифатида унга турли муносабат билдирилди. СССР Олий Совети комиссияларида ҳам СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари лавозимига шу номзод муҳокама қилинаётганида шунга ўхшаш фикрлар айтилган эди.

СССР Министрлар Советининг Раиси таклиф этилган номзод ва бутун комплекс хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини айтди.

В. К. Гусев номзодига келганда мен ўз фикримда қоламан. Шу номзодни қўллаб-қувватлашингизни илтимос қиламан.

Номзод овозга қўйилади. Кўпчилик овоз билан В. К. Гусев СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари этиб тайинланади.

Шундан кейин СССР Олий Совети палаталарининг қўшма мажлиси ёпиқ, деб эълон қилинади.

30 июнь куни СССР Олий Советининг биринчи сессияси ўз ишини давом эттирди.

* * *

Куннинг иккинчи ярмида СССР Олий Совети комитетлари ва Иттифоқ Совети ҳамда Миллатлар Совети комиссияларининг мажлислари бўлди. Уларнинг планлари ва бундан буёнги ишини ташкил этишга оид масалалар муҳокама қилинди.

(ТАСС).

*● 1 июль—Халқаро кооперация куни*

# ХИЗМАТ УСУЛЛАРИ ЯНГИЛАНМОҚДА

ОБЛАДСТИМИЗ кооператорлари аҳолининг 60 процентига савдо хизмати кўрсатмоқда. Сўнгги вақтларда савдода анчагина ўзгаришлар бўлди. Область матлубот жамияти хўжалик юритишнинг янги шароитларида ишлаб, ўтган йилги чакана товар обороти планини бажарди. Бу сўнгги беш йилда биринчи марта йиллик планнинг бажарилиши эди. Шу йилнинг беш ойлик плани ҳам тўла адо этилди. Бу даврда аҳолига пландагидан ташқари 38 миллион сўмликдан кўпроқ турли хил товарлар сотилди.

Биз аҳолига савдо хизмати кўрсатишнинг янги усулларини жорий этиш билан муттасил шуғулланмоқдамиз. Сўнгги бир ярим йил ичида доимий савдо шахобчалари бўлмаган аҳоли пунктларида кичик-кичик 150 та магазин очилди. Аҳолига қулайлик туғдириш учун магазинлар ва ошхоналарнинг иш тартиби қайта кўриб чиқилди. 700 та савдо корхонаси куни узайтирилган иш режимига ўтказилди. 35 та навбатчи магазинлар очилди. Тахта-ёғоч ва бошқа бинокорлик материаллари билан савдо қилувчи магазинлар тармоғи анча кенгайди. Барча озиқ-овқат магазинларини икки сменада ишлашга ўтказиш давом эттирилмоқда.

Область матлубот кооперациясининг шу йил январь ойида бўлиб ўтган X съездида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш тармоғини янада ривожлантиришнинг аниқ программаси тасдиқланди. Шунга мувофиқ биз ўз корхоналаримизда колбаса маҳсулотлари, алкоголсиз ичимликлар, музқаймоқ ишлаб чиқаришни 1,8 баравар, кондитер маҳсулотлари тайёрлашни 4 баравар, мева-сабзавот консервалари ишлаб чиқаришни 2,5 баравар, сабзавотни қайта ишлашни 1,5 баравар ва пиёзни қуритишни уч баравар кўпайтирамиз. Шу йилнинг июль ойида Янгийўл район матлубот жамиятининг консерва цехи ишга туширилади. Бу цехда ҳар йили шартли 5 миллион банка мева-сабзавот ва резаворлар консервалари тайёрланади. Паркентда нон заводи яқин кунлар ичида фойдаланишга топширилади. Энг янги технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бу корхона бир кунда 26 тонна нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади.

Ҳозирги вақтда фондлар бўйича бериладиган озиқ-овқат товарлари ресурслари етарли эмаслигини ҳисобга олиб, область матлубот жамияти правлениеси ўз корхоналарида маҳсулот тайёрлаш ва сотишни кўпайтиришга катта эътибор бермоқда. Агар 1987 йилда бундай товарлар ҳажми озиқ-овқат маҳсулотлари товар оборотида 15 процентни ташкил этган бўлса, бу беш йиллик охирига келиб у 20 процентга етади. Бу эса қишлоқда яшайдиганлар учун 100 миллион сўмдан кўпроқ қўшимча товар ресурслари демакдир. Биз ҳар беш сўмлик товар оборотининг бир сўми ўзимиз ишлаб чиқарган товарлар ҳисобига бўлишига эришмоқчимиз. Бу 200 минг сўмлик халқ истеъмоли товарлари демакдир.

Гўшт етиштиришни кўпайтириш муҳим муаммо бўлиб қолмоқда. Шунинг учун, айниқса, бўрдоқичилик хўжаликлари ишини яхшилаш чоралари кўрилмоқда. Ҳозир область матлубот жамияти системасида 17 та шундай хўжалик бор. Уларда ҳар йили 900 тонна атрофида гўшт, 10 миллион дона тухум ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштирилмоқда.

Матлубот жамиятимизга қарашли савдо ва умумий овқатланиш шахобчаларида ижара пудрати тобора кўпроқ жорий қилинмоқда. Ҳозирги вақтда 250 магазин, ошхона, ишлаб чиқариш корхоналари ва тайёрлаш ташкилотлари шундай усулда ишламоқда. Тажриба ижара пудратининг афзалликларини кўрсатиб турибди. Шуни ҳисобга олиб уни жадал кенгайтириш чоралари кўриляпти.

Ишимизда ютуқлар қатори камчиликлар ҳам анчагина бор. Савдо хизматининг қониқарсиз эканлиги, савдо ходимларининг қўполлиги, харидорларга нисбатан эътиборсиз муносабатда бўлиши, савдо маданиятининг етишмаётганлиги ҳақида меҳнаткашлардан шикоятлар ҳамон тушиб турибди. Улар тамомила ҳақлидирлар. Шуни ҳисобга олиб ишчилар назорати билан бирга текширувлар ўтказилмоқда. Бу ишга халқ контроли комитетлари, бевосита меҳнаткашларнинг вакиллари жалб қилинмоқда. Натижада совет савдоси қоидаларини бузиш билан боғлиқ бўлган кўпгина камчиликлар очиб ташланди. Айрим нопок савдо ходимларининг харидорлар ҳақидан уриб қолиш, ноёб товарларни бекитиб сотиш ва бошқа шу каби номаъқулчиликлар билан шуғулланаётганликлари фош этилди. Уларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

Харидорларнинг область матлубот жамиятига қарашли савдо корхоналари ходимлари ишидан мамнун бўлмаётганлигига яна бир сабаб бор. Бу товар фондларининг етарли ажратилмаслигидир. Матлубот кооперацияси область миқёсида қарийб 60 процент аҳолини халқ истеъмоли моллари билан таъминлайди. Шунга қарамасдан бизга қандолат маҳсулотлари областга ажратилганидан 55 проценти, пепси-кола, фанта каби ичимликлар 10, минерал сув 37, балиқ 36, чармли оёқ кийимлари ва трикотаж буюмлари 47, телевизорлар 41, радиоприёмниклар 39, магнитофонлар 32, кир ювиш порошоги 44 процентигина берилади. Бу шаҳар ва қишлоқда яшовчи аҳолининг таъминотини бир-бирига яқинлаштиришга қаратилган социал программани айрим ўртоқлар тан олмаётганини кўрсатиб турибди.

Областимизда матлубот жамияти ходимлари савдо хизмати кўрсатишни замон талаблари даражасига етказиш учун ҳали кўп иш қилишлари керак. Шу мақсадда ходимларимиз халқ аттестациясидан ўтказилмоқда. Кооператив назорати комиссияларининг фаолияти активлаштирилмоқда. Ҳисоб ва идоравий назорат ходимларининг роли ва масъулияти оширилмоқда.

**М. ЗОКИРОВ,**
область матлубот жамияти правлениеси раисининг ўринбосари.

*● Ойнаи жаҳон қаршисидаги ўйлар*

# ҚАДРИЯТ ҲАҚИДА БАҲС

Ўтган якшанба оқшомида Ўзбекистон телевидениеси ўз мухлислари диққат-эътиборига янги кўрсатувни ҳавола этди. У биринчи маротаба эфирга чиқарилган «Қадрият» туркумидир.

Кўрсатув муаллифи — таниқли журналист Қодиржон Собиров кириш қисмда телетомошабинлардан келган хатлардан бирини ўқиб берди. Таъкидланганидек, кейинги йилларда биз моддий бойликларимизнинг, чунончи пахтамиз, чорвамиз, еримизнинг қадрига ета бошладик. Аммо маънавиятимизнинг нархи пасайиб кетди. Биз катта-катта рақамлар, пуфлаб шиширилган кўрсаткичлар ортидаги оддий инсонни, бунёдкор кучни, унинг маънавий дунёсини кўролмай қолмоқдамиз. Ҳозир — қайта қуриш, ошкоралик ва демократия турмуш тарзимизга айланиб бораётган даврда ана шундай камчиликни айни тўғрилаш пайти.

Кўпдан буён намойиш этиб келинаётган «Инсон ва қонун», «Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари», «Хат ва ҳаёт», «Одамлар ва тақдирлар», «Тошкент ва тошкентликлар» сингари кўрсатувлар телевидение мухлислари ўртасида кенг оммалашиб кетди. «Қадрият» ҳам шулар қаторидан ўрин олиб, яшаб қолади, деб айтиш учун ҳамма асослар бор. Чунки унда ҳаётимиздаги чигал муаммолар ҳақида гап боради, воқеликка партиявий, ижтимоий нуқтаи назардан туриб баҳо берилади, жанговар публицистик руҳ бор.

Биринчи лавҳани олиб кўрайлик. Муаллиф республикамизнинг ўзига хос қийинчиликлари ва мураккабликлари бўлган областларидан бири — Қашқадарёнинг кечаги куни ва бугуни тўғрисида баҳс очади. Воҳанинг ўтмиши, йўл қўйилган катта кўзбўямачиликлар, аммо бу ишда оддий меҳнаткаш кишиларнинг бутунлай бегуноҳ эканликлари ҳақида юксак ахлоқий позициядан туриб фикр юритилади. Кўрсатувда фойдаланилган рангли суратлар ўзининг жозибадорлиги, бўёқларга бойлиги билан диққатингизни тортади.

Умрининг асосий қисми журналистикага, хусусан газетачиликка бағишланган, кўпни кўрган, унча-мунчага ҳайратланавермайдиган бир қаламкаш бўлсам ҳам кўрсатувда тилга олиб ўтилган бир нарса хаёлимни ўғирлаб, тинчимни бузди. Гап Ғилон қишлоғи ҳақида бораяпти. Баланд Ҳисор тоғлари қўйнида жойлашган бу гўша аҳолиси ҳалигача қулф-калит нималигини билмас экан. У ердаги уйларнинг дарвозалари кечаю кундуз очиқ қоларкан.

Бошловчи таъкидлаб ўтганидек, томчида қуёш аксини кўриш мумкин. «Қадрият»нинг иккинчи лавҳасида ҳикоя қилинган чуваш қизи Лидия Григорьевна Кафтанованинг ҳаёти, тақдири бунга ёрқин мисол. Чувашистоннинг Грановo районидан ўз опасини йўқлаб Қашқадарёга келган қиз қўшни хонадон бошига оғир кулфат тушганлигини билиб қолади. Оила бекаси, олти нафар кичик фарзанднинг онаси оғир касал эди. Унинг кунлари саноқли қолганди. Қиз қалб амри, юрак даъвати, инсонийлик бурчи билан бу оилага кўмаклаша бошлайди. Болаларни оқ ювиб, оқ тарайди. Уй бекаси ўлими олдидан Лидияга мурожаат қилади: «Синглим, агар менинг бир оғиз гапимни олсанг, шу оилада қолгин, болаларим сенга жудаям кўникиб кетишди. Сенсиз уларга ниҳоятда қийин бўлади...». Қиз шу хонадонда қолади: оила бошлиғи Ғулом Шариповга турмушга чиқади. Хонадонда еттинчи фарзанд— қиз туғилади. Орадан йигирма йил ўтди. Ғулом Шарипов ўз она қишлоғида — Қашқадарёнинг Ульянов районидаги «Пахтакор» совхозида ишламоқда. Уй бекаси Лидия Григорьевна областнинг донгдор сигирсоғари, Ленин ордени соҳибаси, область партия комитети аъзоси. Фидойи аёл олти болани вояга етказди, уйлаб жойлади. Эл орасида қадр-қиймат орттирди. Ҳозир Қашқадарёда бу оилага ҳамма ҳавас қилади. Кўрсатувда иштирок этган Ульянов район партия комитетининг биринчи секретари Зулқайнар Қодиров ўз сўзида ҳақиқий интернационализм, одамийлик, олижаноблик, қалб саховати ҳақида илиқ гапларни айтди.

«Миллионлар мероси» деб номланган учинчи лавҳа бизни узоқ Деҳқонобод тоғларига чорлади. У авлодлар давомийлиги мавзуида. Оталар ўзларининг топган-тутган бор нарсаларини умр сўнггида фарзандларига мерос қилиб қолдирадилар. Ким уй, бошқа биров машина, кўплар касб сирларини ўғилларига беришади. Деҳқонободнинг машҳур чўпони, Ленин ордени нишондори Рашид Жабборов ўғли Тошматга энг қимматли мерос — чўпон таёғини топширди. Телевидение ёрдамида биз ана шунга гувоҳ бўлдик. Рашид ака қачонлардир ўзи ҳам бу таёқни акаси ва устози Кенжа Менглиевдан қабул қилиб олган эди. У 40 йил муттасил чўпон бўлиб ишлади. 40 минг бошга яқин қўй-қўзи етиштирди. Буни пулга чақса қарийб бир миллион сўм бўлар экан. Рашид аканинг миллионерлиги ана шундан.

Биз Деҳқонобод адирлари гул-гул яшнаб бораётганлигини кўриб, қувондик. Катта маросим тантаналарида Деҳқонобод район партия комитетининг биринчи секретари Я. Иноятов, совхоз директори Тожи Холтўраев, Туркманистондан келган меҳмонлар қатнашдилар, дил сўзларини изҳор қилдилар. Тантана охирида кўпкари — улоқ мусобақаси бўлиб ўтди. Кадр ортида жаранглаган шеър бўлаётган воқеаларга ҳамоҳанг эди:

Остингда улов бўлса,
кўпкарига туш,
Қўлингда жилов бўлса,
кўпкарига туш.
Бу мардлар ўйини — эрмак
эмасдир,
Эрларча синов бўлса,
кўпкарига туш.
Туёқлар зарбидан титрайди
тоғлар,
Оҳ чекар навжувон ўтлар,
гиёҳлар.
Кўпкари сени ҳам, дўстим,
сўроқлар,
Юракда олов бўлса,
кўпкарига туш.

Кўрсатувда «Совет Ўзбекистони» газетаси область мухбири Мусо Каромов ҳам иштирок этиб, воқеаларни шарҳлаб берди, унга публицистик руҳ киритди.

Режиссёр Тоҳир Жўраев, киносуратчи Сайдали Набиев ва бошқа ижодкорлар кўрсатувни тайёрлаш жараёнида кўп куч-ғайрат сарфлаганликлари, изланганликлари яққол кўриниб турибди.

Энди бир истак билдирмоқчимиз. «Қадрият» кўрсатуви соат 20 дан 20 минут ўтганда эфирга чиқди. Шуниси ҳам борки, унда мадҳ этилган кишилар, уларнинг ҳамкасблари, ёру биродарлари ҳали ишда бўлишади: пахтакор далада, сигирсоғар фермада, чўпон— яйловда. Шуни ҳисобга олиб, кўрсатув бироз кечроқ берилса, айни муддао бўлур эди.

Хуллас, «Қадрият»нинг биринчи сонидан кўпчилик чуқур қониқиш ҳосил қилди. У телевидениенинг энг оммабоп кўрсатувларидан бири бўлиб қолишига тилакдошмиз.

**Тоҳир МИРҲОДИЕВ,**
**Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган журналист.**

## Геология-қидирув комплекси

ЎРТА ОСИЁ геология ва минерал хом ашё илмий-тадқиқот институтининг мутахассислари ишлаб чиққан янги технология ер ости тузилиши ҳақида янада ишонарли маълумот олишга кўмаклашади. Улар кернсиз пармалаш учун КОШ—46-100 техника воситалари комплексини яратдилар.

Янги конларнинг қидирувчилари учун ер қаърига «нигоҳ ташлашнинг» ягона усули — қудуқ бурғилаб, чуқур ер остидан керн — тоғ жинси цилиндрсимон ғўлачасини чиқариб олишдан иборат. Бу ғўлача кенг тадқиқ этилади.

Янги технология содда ва самаралидир. Ер қаъридан «инжиқ» керн ўрнига пармалаш қоришмасида чайқатилган тоғ жинси — шлам чиқариб олинади. У жуда майдалаб юборилган бўлади. Маълум бўлишича, бундай бўлакчалар агар билиб ўрганилса, керндан олинадиган маълумотларни бериши мумкин...

Кернсиз пармалаш чоғида проходкачиларнинг меҳнат унумдорлиги икки баравар ошди, бу эса конни тезроқ фойдаланишга топшириш имконини беради. Пармалаш ишлари таннархи ҳам анча арзонлашди. Колонкали пармалашнинг бир метри 50 сўм, керн олиш — 200 сўмдан ортиқ, кернсиз қувур пармалашнинг бир метри эса атиги 15 сўмга тушади. Бу технологияни жорий этиш мураккаб эмас: у кўплаб ишлаб чиқариладиган геология-қидирув ускуналарига мўлжалланган. Ҳозир КОШ—46-100 Қирғизистоннинг руда конларида «меҳнат қилмоқда».

Илмий-тадқиқот институти манфаатдор бўлган барча ташкилотлар билан ана шундай пармалаш асбобларини тайёрлаб, етказиб бериш борасида шартнома тузишга тайёр.

(ЎзТАГ мухбири).

## • ЗАМОН ВА ЁШЛАР •

# ПХЕНЬЯНДА ЖАҲОН ФЕСТИВАЛИ

**БУГУН КОРЕЯ ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПОЙТАХТИ — ПХЕНЬЯНДА ЁШЛАР ВА СТУДЕНТЛАРНИНГ XIII БУТУНЖАҲОН ФЕСТИВАЛИ БОШЛАНАДИ**

✦ ПОТАХОНГАН дарёсининг соҳили бўйлаб чўзилган эни 100 метрли Кванбок проспектида қад ростлаган 40 қаватли оппоқ бинолар уммонда сузиб бораётган елканларни эслатади. Ҳозир бу ерда курраи заминимизнинг ҳамма қитъаларидан келган йигит-қизлар тўпланишган. Пхеньян азиз меҳмонларини — Ёшлар ва студентларнинг XIII Бутунжаҳон фестивали иштирокчиларини қучоқ очиб кутиб олди.

Кванбокда бинафша ва яшил миллий либосдаги қизлар гуллар тақдим этган дастлабки меҳмонлар совет ёшлари бўлди. «Кенжа авлод кишилари ҳали бирон марта ҳам ёшларнинг умумжаҳон фестивалидек кўламли ва нуфузли сиёсий анжуманга тўплана ололмайдилар, — деб таъкидлайди ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Виктор Мироненко. — Шу жиҳатдан фестивалнинг аҳамияти беқиёсдир. Шунинг учун ҳам биз Пхеньянга кўп сонли делегациямизни юборишга қарор қилдик».

Совет делегациясида 600 йигит ва қиз бор. Уларнинг 290 нафари сиёсий группани ташкил этади. Делегация аъзоларини танлаб олишда асосий мезон йигит ва қизларнинг ёши (фестиваль қатнашчилари — 35 ёшгачадир), сиёсий ва ижтимоий фаолликлари бўлди. Фестиваль қатнашчиларидан 20 нафари ёшларнинг марказий-оммавий ахборот воситалари томонидан ўтказилган концертларнинг ғолибларидир. Худди шунингдек, фестивалнинг маданий (80 киши), спорт (20 киши) ва болалар (20 киши) программалари иштирокчилари ҳам конкурс асосида танлаб олинди. Пхеньянга жамоат ташкилотлари, ижодий союзлар, норасмий уюшмалар ҳам ўз делегатларини юбордилар.




## • МЕҲНАТ ЧОРАГИ

# БЕКОРЧИЛАР БЎЛМАЙДИ

Олий ўқув юртлари, техникумларда имтиҳонлар тугагач, кўпгина йигит ва қизлар учун анъанавий бўлиб қолган меҳнат чораги бошланади. Ҳар йилгидек бу гал ҳам уларни катта қурилишлар, бунёдкорлик ишлари кутмоқда.

— Студент қурилиш отряди жангчиларини Ноқоратупроқ ўлка ва мамлакат марказида, Урал ва Сибирда учратиш мумкин, — дейди область комсомол комитети ҳузуридаги ёшларнинг меҳнат бирлашмаси зарбдор қурилиши бўлимининг мудири Навфал Исҳоқов. — Биз, масалан, Орёл шаҳрида бунёд этилаётган пўлат прокати заводига 80 нафар йигит-қизни жўнатдик. Ёшларимиз меҳнат чораги давомида Калинин областидаги ип-газлама комбинати, Челябинск трактор заводида ишлайдилар.

Зарбдор қурилишлар бирлашмадаги уч бўлимдан биридир. Бу ерда қишлоқ студент қурилиши отрядлари, ёшларни яккама-якка тартибда ишга жойлаштириш хўжалик ҳисобидаги маркази ҳам фаолият кўрсатмоқда. Улар ёзги таътил кунларида студент-ёшлар билан бир қаторда юқори синф ўқувчиларини ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш чораларини кўрмоқдалар.

Ушбу бирлашма Тошкент шаҳри корхона ва ташкилотлари билан минг нафар ёшни ишга жойлаштириш юзасидан шартнома тузган. Ҳозирги пайтда 150 нафар йигит-қиз ҳажмли блок уйсозлик тажриба комбинатида ишлаш учун йўлланма олди.

Юқори синф ўқувчилари эса район ижроия комитетларининг ободонлаштириш бошқармаларига ишга жойлаштирилаяптилар. Бу соҳада Ленин, Сергели районлари ташаббус кўрсатяптилар.

Ёшларни таътил пайтида ишга жалб қилиш диққатга сазовор тажрибадир. Чунки, ҳар бир йигит-қиз ҳам лагерь, дам олиш уйларига йўлланма ололмайди. Улар бўш вақтларини бекор ўтказганларидан кўра, ижтимоий-фойдали меҳнат билан шуғуллансалар, ўзлари учун ҳам, давлатга ҳам фойда бўлади. Ёз даврида ёшлар куч-ғайрати билан бунёд этилган ишлар қайта қуришга қўшилган амалий ҳисса бўлади.

**А. НОСИРОВА.**

# ФАЗОГИРЛАР ДАСТХАТИ

Шу кунларда Ангрен шаҳар ўлкашунослик музейида 34-мактаб космонавтлар музейи фондидан олинган марка ва значоклар намойиш этилмоқда.

Ю. А. Гагарин номидаги мазкур музей 1974 йил ташкил этилган. Ўн йилдан бери эса унинг ишларига шу мактаб физика ўқитувчиси Ирина Королькова бошчилик қилмоқда.

Ўқувчилар Ирина Алексеевна раҳбарлигида бир қанча космонавт учувчилар билан хат ёзишади. Музейда ана шу ёзишмалар, суратлар ва фазогирларнинг дастхатлари сақланади. 1983 йил бу экспозиция мактаблараро музейлар кўрик-конкурсида намойиш қилиниб, область пионер ва ўқувчилар «СССР — менинг Ватаним» қидирув штабининг I-даражали Фахрий ёрлиғи билан тақдирланганди.

Кўргазмада космонавтлар Шаталов, болгариялик Иванов, чехословакиялик Ремен мактубларининг нусхалари, Аксенов ва Биковскийларнинг дастхатлари битилган конвертлар бор. Унда К. Циалковскийнинг бўрттириб ишланган тасвири, академик С. П. Королев портрети, фазогирлар Ю. Гагарин, А. Николаев, А. Губарев, В. Терешкова ҳамда Н. Рукавишниковларнинг суратлари акс этган значоклар ҳам намойиш қилинмоқда.

**Н. ДУШАЕВ.**

## • Ишчи ётоқхоналарида •

# ҒЎРАДАН ҲОЛВА БИТАРМИКАН?

Ўз вақтида Бўка пахта тозалаш заводининг довруғи довон ошганди. Кўчма Қизил байроқлару, мукофотларнинг кети узилмасди. Корхона раҳбарлари юқори минбардан туриб ишчилар тўғрисидаги ғамхўрлик — асосий вазифамиз деб маъруза қилишдан чарчашмасди. Давр ўзгариб, ҳамма нарсани ўз номи билан атайдиган бўлдик. Қани, ўша «ғамхўрлик самаралари»ни бир ўз кўзимиз билан кўрайлик-чи?

Ёш пахта тозаловчилардан бири Исроил Қодиров ётоқхонанинг бир хонасида турмуш ўртоғи ва фарзанди билан яшайди. У яқинда ота-онаси уйидан бу ерга кўчиб келди. — Ётоқхона ўз номи билан ётоқхона, — дейди у хомуш ҳолда. — Оиламиз аъзолари билан бир хонада овқатланамиз, дам оламиз, ухлаймиз. Агар бу шароитга кўнмасам турар жойим йўқлиги туфайли турмушим бузилиб кетиши мумкин. Ким кўз очиб кўрган ёри, фарзандидан ажралгиси келади? Сабр қилайлик-чи...

Рости, Исроил шароитдан унчалик нолимаса ҳам бўлади. Мана, саккиз жон Ҳамидуллинлар оиласи икки хонада уриниб-туртиниб яшамоқда. Бўлмаса Марзия опа ҳам, унинг турмуш ўртоғи ҳам шу заводда ишлайди. Уларнинг 18 ёшдан ошган қизлари, ўнинчи синфни тугатаётган ўғиллари, яна тўрт фарзандлари бор. Улар дарс тайёрлаш учун навбат пойлаб туришади.

Булар ҳолва экан. Марзия опанинг нидосига бир қулоқ тутинг:

— Соғлиғим ёмон, буйрагим оғрийди. Меҳнат шароити оғир бўлганлиги учун бу корхонада ишлаш менга мумкин эмас. Буни директоримиз ҳам, кадрлар бўлимининг бошлиғи ҳам яхши билишади. Бироқ арзимга қулоқ соладиган кимса топилмаяпти. Ҳар йили икки-уч маротаба касалхонада ётиб чиқаман. Ишдан бўшай десам, болаларимни ўйлайман. Ётоқхонада «қуш ҳуқуқи»га эгамиз. Ишдан бўшашим биланоқ бу икки хонадан ажралиб қолишимиз мумкин. Кейин тирикчилигимиз нима кечади? Ана шу сўзлардан кейин завод ётоқхонасида биз дуч келган нарсалар ортиқча таажжубга солмади. Масалан, ётоқхонанинг биринчи қаватидан ичкарига қадам қўйишингиз биланоқ димоғингизга доғланган ёғнинг ҳиди урилади.

Чунки бу ерда ошхона тўғридан-тўғри йўлакка жойлаштирилган экан. Йўлак тор шипларини ис босиб кетган. Шу жойда амал-тақал қилиб овқат пиширилади.

Ётоқхонада бизга дуч келган Исмоил Насаев корхонада ўн беш йилдан бери меҳнат қилаётганлигини айтди. У бу бинонинг қачон охирги марта ремонт қилинганлигини эслай олмайди. Завод маъмурий биноси эринмасдан бир ҳафта бўялди. Ётоқхонада истиқомат қилувчилар эса бу ерда директор, касаба союзи комитетининг раисини камдан-кам учратишади.

Хоналарда водопровод йўқ. Сув керак бўлиб қолса тушиб ҳовлидан олиб чиқилади. Шунда ҳам жўмракдан сув оқса яхши. Сувга етишолмаганларнинг ҳоли не кечади?

Ишчи ётоқхонасида асосан оилаликлар яшашади. Уларнинг фарзандлари учун ўйин майдончаси ташкил этилмаган. Болалар рўпарадаги чойхонада ичиб олиб томоша кўрсатадиганларни кузатиш билан вақт ўтказишади. Чойхона ҳам ярим кечагача гавжум бўлиб бу ердагиларнинг ҳаловатини бузади.

Корхона раҳбарларидан ишларни суриштирсак, улар бир овоздан планлар бажарилаётганлиги, ҳатто пахта тозалаш корхоналари орасида пешқадамлар сафида бораётганликларини мамнуният билан айтишади. Меҳнат унумли бўлаётганлиги яхши, албатта. Бироқ бу планларни бажараётган, раҳбарларга мукофотлар олиб бераётган меҳнаткашлар турмуш шароитини яхшилаш ҳали ҳам иккинчи даражали иш бўлиб қолаётганлигига ҳайронсиз. Биз атайин корхонада планларнинг бажарилиши тўғрисидаги кўрсаткичларни ҳам, бошқа рақам ва фактларни ҳам келтирганимиз йўқ. Пахта тозаловчиларнинг илтимосларига кўра завод раҳбарлари билан ҳам учрашмадик. Чунки ҳамма нарса очиқ-ойдин кўриниб турибди. Кўрганларимизнигина қоғозга туширдик.

Одамларнинг бардошига балли. Улар сабр қилишди. Сабр қилишда давом этмоқдалар. Кишиларнинг сабр-тоқатини шунчалик имтиҳон қилаверишдан кўра, амалий ишга қўл урилса бўлмайдими? Эҳтимол ўшанда ғўрадан ҳолва битарди.

**М. ЖАРҚИНБОЕВА,**
**ТошДУ студенти.**





✦ СУРАТЛАРДА: Бўка пахта тозалаш заводи ёш ишчилари истиқомат қилаётган ётоқхона бугунги кунда мана шундай кўримсиз ҳолга тушиб қолган.

А. Зуфаров суратлари.

